

1. Жамият фаолиятининг мақсади

"Пахтасаноат илмий Маркази" АЖнинг асосий мақсади пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, уруғлик чигит тайёрлашни оптималлаштириш, рақобатбардош пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлашга қаратилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш; хизматлар кўрсатиш (илмий-техник, ишланмаларни тадбиқ этиш, ўқув курслари ва бошқалар) ҳамда пахтачиликда ва пахтани дастлабки қайта ишлаш соҳасига замонавий илмий-техник ютуқлар, прогрессив инновацион технологияларни тадбиқ этиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда пахта тозалаш корхоналарини меъёрий-техник ҳужжатлар билан таъминлашдан иборат.

Амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш манбалари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг кўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2023 йил 11 январдаги 11-сон "“Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги мувофиқ “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи этиб белгиланганлиги, Пахтачилик кенгашининг соҳага доир кўрсатма ва тавсияларига асосан Марказ фаолиятини такомиллаштириб бориш назарда тутилганлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш учун ажратиладиган маблағ ва пахта-тўқимачилик кластерларининг шартнома асосида ўтказиладиган маблағлар ва бошқа манбалар ҳисобланади.

"Пахтасаноат илмий Маркази" АЖ томонидан 2023 йил учун бизнес режаси илмий-техник маҳсулотлар ҳажмини ошириш, фойда олиш ва дивидендлар тўлашга қаратилган асосий параметрларга асосан ишлаб чиқилган.

2. Жамият тўғрисида маълумот

2.1. Умумий маълумот

Номи: "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти

Ташкил этилган сана: 1998 йил 17 июн

Рўйхатдан ўтказувчи муассаса: Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси

Сана ва рўйхатга олиш рақами:

1. "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ 2020 йил 16 октябрда санасида 000268-11-сон билан Яккасарой туман инспекцияси томонидан рўйхатга олинган.

2. "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ 2020 йил 16 октябрда 000268-11-сонли гувоҳнома билан Давлат реестрига киритилди

Банк реквизитлари: Тошкент шаҳар “Капиталбанк” АКТБда х/с 20210000800131609001, МФО 00445, ИНН 200625213, ОКОНХ 95120

Бош директор: Кулиев Тохир Мамаражапович

Бош ҳисобчи: Джулиев Икромжон Анварович

Манзил: Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси., 8

Телефон рақами: 207-04-03 (100)

Махфийлик меморандуми: ушбу ҳужжатда тақдим этилган барча маълумотлар махфий ва "Пахтасаноат илмий Маркази" АЖ манфаатларини кўзда тутган ҳолда хизматда фойдаланишга мўлжалланган.

2.2 Жамият фаолияти тўғрисида қисқача маълумот

Мамлакат Бош пахта кўмитасининг 1926 йил 3 сентябрдаги 651-сонли йиғилиш баёни қарорига кўра қурилган тажриба пахта тозалаш заводи асосида Илмий Марказ 1936 йил 5 апрелда Тошкент шаҳрида ташкил этилган, унинг фаолияти ватанимизнинг пахта тозалаш саноатини илмий-техник ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб - Пахта саноати Марказий илмий-тадқиқот институти (ЦНИХпром) – ягона илмий ташкилот мақомини олган.

1998 йилда ЦНИИХпром “Хлопкопром” Республика илмий марказига, сўнгра "Пахтасаноатилм" илмий-ишлаб чиқариш марказига, 2004 йилда - "Пахта тозалаш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ва 2010 йилда - "Пахтасаноат илмий маркази" АЖга айлантирилган.

1998 йилдан бери "Пахтасаноат илмий маркази" очиқ акциядорлик жамияти ва 2014 йил 7 майдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги қонунга мувофиқ у мулкчиликнинг тасдиқланган акциядорлик жамияти шаклига айланди.

"Пахтасаноат илмий маркази" АЖ ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик ва Уставга мувофиқ, соҳавий Илмий марказ сифатида ва пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарини янги технологик ускуналар, меъёрий-техник ҳужжатлар, давлат стандартлари билан таъминловчи сифатида амалга оширмоқда.

Тадқиқот ва ишланмаларни жорий этиш ишлари малакали илмий ходимлар ва мутахассислар томонидан бажарилади, жумладан 6 нафар техника фанлари доктори, 10 нафар техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 6 нафар техника фанлари номзоди фаолият юритади. Ёш ходимларда илмий-тадқиқот кўникмаларини шакллантиришда тизимли ёндошув сабабли илм-фан учун кадрлар муваффақиятли тайёрланмоқда.

Патент идорасида ихтиролар ва фойдали моделлар учун аризалар мунтазам равишда рўйхатга олинади. Сўнгги 5 йил ичида 38 дан ортиқ патентлар олинган ва ўз кучида сақланиб қолган.

Экспериментал тадқиқотлар ва пахта хомашёси, тола, чигит, момик таснифномаларини аниқлаш учун таҳлилларни бажариш бўйича махсус стенд ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланган лаборатория биноси; пахта толасини халқаро классификация бўйича синаш, яъни пахта-тўқимачилик кластерлари корхоналарида ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга мақбуллаштирилган Германиянинг замонавий

«ТехТехно» ускунаси билан жиҳозланган Марказий синов лабораторияси мавжуд.

Эталон гуруҳи ҳар йили пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктлари учун пахта хомашёсининг ташқи кўриниши намунасининг 300 дан ортиқ эталонини тайёрлаб беради.

Стандартлаш ва метрология бўлими лаборатория приборларини таққослаш учун пахта маҳсулотларининг давлат стандарт намуналарини тайёрлайди. Илмий марказнинг такомиллаштирилган синов базаси HVI тизими ва бошқа лаборатория-техник ускуналари билан жиҳозланган.

Илмий марказда ахборот-ресурс маркази фаолият юритади, у ерда умумтехникавий адабиётлар, услубиятлар, маълумотномалар ва пахтани дастлабки ишлаш бўйича ноёб ўқув қўлланмалари ҳамда ташкилотнинг бутун фаолияти давомидаги, яъни ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб бажарилган ИТИ тўғрисидаги ҳисоботлар ва диссертациялар мавжуд.

Корхоналарни илмий-техник ҳужжатлар билан тезкор таъминлаш бўйича лицензияланган полиграфия бўлими ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги сиёсати пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги боис пахта тозалаш корхоналарини лаёқатли кадрлар билан таъминлаш доирасида долзарб муамоларни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақсадда Илмий марказ таркибида икки йўналиш – техника ва технология жараёнлари ва пахта толасини классификациялаш, сертификатлаш ҳамда маркетинглаш курслари бўйича малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш маркази ташкил этилган.

Барча йўналишлар бўйича дастурлар замонавий таълим стандартларни инобатга олган ҳолда тузилган. Ҳар йили пахта тозалаш корхоналари мутахассислари, ўрта бўғин ҳодимлари, шунингдек ташқи компаниялари мутахассислари ўзларининг малакаларини оширадilar. Илмий марказ ҳудудида малака ошириш маркази эшитувчилари учун ҳамма шароитларга эга меҳмонхона ташкил этилган.

2.2.1. Капитал таркиби

Жамият Низомига биноан охириги рўйхатга олиш вақти бўйича Устав Фонди **138 792 497** дона акцияларга бўлинган **69 396 248** минг сўмни ташкил қилади. Бир акциянинг номинал қиймати – 500 сўм.

Сўнгги эмиссия проспектининг чиқарилиши бўйича акцияларнинг бўлиниши қуйидагича:

Эгаси	Акциялар сони	Қиймати (минг сўм)
Эгаси ёзилган оддий акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тегишли	Акция улуши – 99,13 % Сони - 137 578 529 дона	68 789 265
Эгаси ёзилган оддий акциялар жисмоний ва юридик шахсларга тегишли	Акция улуши – 0,87% Сони - 1 213 968 дона.	606 983

Чиқарилиш шакли	Нақдсиз	
Жами:	138 792 497	69 396 248

2.2.2. Жамиятда бошқарув ва назорат

Жамиятда бошқарув ва назорат жамият Устави ва Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" тўғрисидаги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Бошқарув ва назорат органлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши – жамиятнинг юқори бошқарув органи;
- Кузатув кенгаши – жамият ривожланиши стратегиясини аниқловчи бошқарув органи; Кузатув кенгаши таркибига 5 киши киради.
- Ижроия органи -Бош директор жамият фаолиятини бошқарадаи ва оператив раҳбарликни амалга оширади.

2.2.3. Жамият фаолиятининг асосий вазифалари

Жамият фаолиятининг асосий йўналишларда фаолият юритиши қуйидагилар киради:

Пахта хомашёсини тозалаш учун замонавий техника ва технологиялар, энергиятежамкор машина ва асбоб-ускуналарнинг тажриба-саноат намуналарини ишлаб чиқиш бўйича **илмий-тадқиқот ишларини ҳамда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;**

пахта ва пахта маҳсулотлари учун халқаро ва давлатлараро стандартлар билан уйғунлашган стандартларни, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, рақамли технологиялар асосида тезкор ва аниқлик даражаси юқори бўлган ўлчов ва синаш воситаларини, калибрлаш ва синаш усулларини текшириш учун **давлат стандарт намуналарини ишлаб чиқиш;**

аккредитация соҳасига мувофиқ тарзда **пахта маҳсулотлари синовларини ўтказиш, мувофиқлик сертификати бериш,** лабораториялараро таққослаш синовларини ва раунд-тестларини ташкил қилиш ва ўтказиш, манфаатдор ташкилотлар учун **пахта маҳсулотлари ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлаш** хизматларини кўрсатиш;

пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлашга оид халқаро **сифат стандартларини тадбиқ этиш ва сертификатлашни ривожлантириш** механизмларни ишлаб чиқиш (ISO, GOST, SEDEX, OEKO TEX 100, BSCI ва бошқалар);

замонавий илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган **илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери** бўйича самарали тизимни шакллантириш;

республикада **районлаштирилган ва истиқболли пахта селекция навларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш** соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, ушбу йўналишда самарали **илмий ечимларни ишлаб чиқиш;**

юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; жаҳоннинг нуфузли университет ва илмий марказлари билан халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш.

Фаолият йўналишлари:

илғор хорижий тажрибалар асосида Марказ трансформацияси жараёнини самарали амалга ошириш;

пахта хомашёсини тозалаш учун замонавий техника ва технологиялар, энерготежамкор машина ва асбоб-ускуналарнинг тажриба-саноат намуналарини ишлаб чиқиш бўйича илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратиш;

пахта тозалаш корхоналари технологик жараёнларининг самарадорлигини оширишга замонавий рақамли технологияларни жорий этиш;

пахта ва пахта маҳсулотлари учун халқаро ва давлатлараро стандартлар билан уйғунлашган стандартларни, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, рақамли технологиялар асосида тезкор ва аниқлик даражаси юқори бўлган ўлчов ва синаш воситаларини, калибрлаш ва синаш усулларини текшириш учун давлат стандарт намуналарини ишлаб чиқиш;

илм-фан ва таълим интеграциялашувини чуқурлаштириш, ёшларни илм-фанга, иқтидорли талабалар ва докторантларни соҳага оид илмий-тадқиқотларга фаол жалб этишга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш;

Марказнинг моддий-техника ҳамда илмий-тадқиқот базасини ривожлантириш, янги илмий ишланмаларни тижоратлаштириш.

2.2.4 Бозор шароити, амалий таъсир ва амалдаги мавжуд алоқалар

«Пахтасаноат илмий маркази» АЖ ўзининг фаолиятини бозорнинг 2 турида амалга оширади: интеллектуал мулкчилик, технологиялар, энерготежамкор машина ва асбоб-ускуналарнинг ва илм-фан маҳсулоти бозорларида.

Мазкур бозорлар сўзсиз бир-бири билан боғлиқ. Уларнинг ҳажми пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги корхоналар сони билан аниқланади.

Илмий марказнинг фаолияти қисқартирилган жараён “тадқиқот-синов-ишлаб чиқариш” таомили бўйича қурилади. Бу схеманинг муваққиятли амалга ошириш учун Илмий марказ ҳудудида экспериментлар, тажриба синовларини стендларда ўтказиш учун лаборатория ва янги техник ечимларни ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитларида бажариш учун тажриба-экспериментал база яратилган.

Бундан ташқари, пахтани дастлабки қайта ишловчи корхоналарга янада кўпроқ амалий техник ёрдам кўрсатиш бўйича Илмий марказда яхши жиҳозланган ишлаб чиқариш базаси «РИМ Устахонаси» МЧЖ ва «Ижод–ИТМ» МЧЖ мавжуд.

3. Жамият стратегияси

Жамият олдида турган асосий стратегик вазифа ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлигини узоқ муддатли истиқболга мустаҳкамлашга илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини сифатли бажариш ҳамда пахта тозалаш соҳасига замонавий илмий-техник ютуқлар, прогрессив инновацион технологияларни тадбиқ этиш ва юқори малакали кадрларни тайёрлашни кенгайтириш орқали эришиш ҳисобланади.

Илмий марказ ривожланишнинг узоқ муддатли ресурсларига эга бўлган базавий илмий ташкилот ҳисобланади ва илмий-техник билимларни янги технология ҳамда рақобатбардош маҳсулотга жисмонан айлантиришга қодирдир. Шунингдек, агросаноат комплекси, лойиҳавий, машинасозлик ва таълим ташкилотлари билан тадқиқот ва тегишли халқаро сифат стандартлари бўйича пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамкорлик қилишда қатнашиши мумкин. Машинасозлик, автоматлаштириш, электроника ва ахборот технологияларининг замонавий ютуқларига асосланган технологик ускуналарнинг инновацион ва интеллектуал комплексларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, шунингдек технологик ускуналар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш Илмий марказнинг устувор фаолияти ҳисобланади.

4. Концепция ва бозор маркетинги

Бозор шароитида корхоналарнинг ўз харажатларини қоплаши ва ўз-ўзини молиялаштиришига эришишининг зарур шarti ишлаб чиқаришни нафақат материаллар, меҳнат ва молиявий ресурслар билан самарали ва узлуксиз таъминлашида, балки бозор талабларини қониқтирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилиши бўлиб, бу маркетинг деб номланади.

4.1. Талаб ва таклиф

4.1.1. Бозор тавсифномаси ва таркиби

Маҳсулотнинг тавсифномаси, унинг рақобатбардошлиги

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги пахтани қайта ишлаш корхоналарини илмий-тадқиқотлар, экспериментал синовлар натижасида яратиладиган янги автоматлаштирилган, инновацион техник ютуқлар ва ечимлар билан таъминлайди.

Ҳар йили илмий бўлинмаларнинг таклифлари асосида ва уларни Илмий кенгашда долзарблиги ва амалий аҳамиятини эътиборга олган ҳолда илмий-тадқиқот ишлари режаси шакллантирилади.

Илмий-тадқиқот ишлари қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- пахта хомашёсини қуритиш;
- пахта хомашёсини йирик ва майда ифлос аралашмалардан тозалаш;
- пахтани жинлаш;
- толани ифлос аралашмалардан тозалаш;

- чигитни линтерлаш;
- технологик жараёнлар ва ускуналарни бошқарув тизимини автоматлаштириш;
- уруғлик чигит тайёрлаш;
- пахта маҳсулотларини пресслаш;
- пахта тозалаш корхоналарида аспирация ва чангсизлантириш;
- пахта тайёрлаш пунктларида кичик механизация ускуналари.

Бундан ташқари, ҳар йили ИТИ режасига хомашё муаммолари ва иқтисодий масалалар, пахта маҳсулотлари стандартларини такомиллаштириш, ахборот материаллари бўйича меъёрий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ишлари киритилади.

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ ўзининг фаолиятини бозорнинг 2 турида олиб боради: интеллектуал мулкчилик ва илмий талабгор маҳсулот бозори.

Интеллектуал мулкчилик бозорида Илмий марказ ўзининг ихтироларининг патент эгаси сифатида тутуди ва ўзининг контрагентларига уларни сотиб олинган лицензия ёки лицензия шартномаси асосида ишлаб чиқаришда фойдаланишни таклиф қилади.

Илмий талабгор маҳсулот бозорида “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ нафақат ихтиро қилинган ёки модернизациялашган, балки “РИМ Устахонаси” МЧЖда тайёрланган ускуна ва технологик ускуналарнинг эҳтиёт қисмларини тадбиқ этишни таклиф этади.

Сўзсиз, икки бозор бир-бири билан боғлиқ. Уларнинг ҳажми пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги пахта тозалаш корхоналарининг сони билан аниқланади.

Шундай қилиб, Илмий марказнинг потенциал буюртмачилари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Пахта-тўқимачилик кластерлари таркибидаги пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлов масканлари;
2. Пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган бошқа корхона ва ташкилотлар.

4.1.2. Илмий марказнинг соҳадаги мақоми

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш бўйича базавий соҳавий илмий-тадқиқот маркази ҳисобланади.

Илмий марказнинг тадқиқотлари натижасида пахта тозалаш корхоналари учун деярли барча маҳаллий технологик ускуналар яратилган – оқимли тизимлар, қуриштиш-тозалаш комплекслари, жинлар, линтерлар, тола тозалагичлар, уруғлик чигит тайёрлаш цехлари учун ускуналар, сермехнат жараёнларини механизациялаш машиналари ва транспорт қурилмалари, пахта ва пахта маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш приборлари. Бундан ташқари, пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш технологияси масалалари бўйича технологик регламентлар ва йўриқнома-услугий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Илмий марказ соҳавий ва Давлат дастурларини куйидаги Қарорлар бўйича бажаришда бевосита қатнашувчи ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сонли “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳа ва технологияларни тадбиқ этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 февралдаги ПҚ-3559-сонли “Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамиятининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сонли “Пахта ва тўқимачилик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сонли “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2023 йил 11 январдаги 11-сон ““Пахтасаноат илмий маркази” акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

Илмий марказ илмий кенгаш секциялари эга Илмий кенгаш, илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳамда “Пахта” Техник қўмита фаолият олиб боради.

Илмий марказ тадқиқотлар доирасида соҳа учун энергия ва ресурстежамкор технологиялар, маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини ўзлаштирмоқда.

4.1.3. Рақобатбардошлик муҳитининг таҳлили

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖнинг рақобатбардошлик муҳитини таҳлил қила туриб, авваламбор ташкилотнинг асосий фаолият тури пахта хомашёсини қайта ишловчи ва ҳамкор корхоналарни илмий жиҳатдан таъминлаш ҳамда техник ва илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш хизматларини кўрсатишдан иборатлигини эсда тутмоқ керак. Илмий таъминлаш пахта тозалаш соҳаси учун янги технологик жараёнлар ва машиналарни ишлаб чиқиш ва амалдагиларини такомиллаштириш орқали бажарилади. Мазкур ишлар тегишли шартномалар асосида бажарилади. Бу ҳолатда соҳа ичидаги рақобат ҳақида сўз бораётганлиги тушунарли.

Илмий марказ республика ва МДХ давлатлари масшабида пахта хомашёсини қайта ишлаш бўйича кенг илмий-тадқиқот базасига эга бўлган асосий ташкилот ҳисобланади.

Бироқ, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш даражасида Ўзбекистоннинг ички бозорида пахта тозалаш корхоналари учун Илмий марказда ишлаб чиқилган ускуналарни тайёрлайдиган бир қатор корхоналар мавжуд. Ишланмалар патент билан ҳимояланган ва ҳимояланмаган

бўлиши мумкин. Бунда Пахтасаноат илмий маркази” АЖ билан лицензия шартномаси тузилади. «Рахтагин КБ» МЧЖ, РИМ «Колосс», НПФ «Сэлва» ташкилотлари Илмий марказнинг рақобатчилари ҳисобланади.

4.2. Маркетинг концепцияси

Маркетинг бошқарув тизимининг асосий вазифаси бозорни ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганиш; бозор талабларини қониқтирадиган маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотишни бошқариш ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш вақтида кўпинча маълум муаммолар юзага келади:

- рақобатчилар томонидан тадбиқ этиш жараёнидаги ўхшаш маҳсулотларнинг сифати, қиймати ва бошқа кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслиги, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматларнинг рақобатбардошлигини аниқлашнинг мураккаблиги.

5.Ташкилий тузилма. Меҳнат ресурслари

Илмий марказ ташкилий тузилмаси куйидаги тартибда шакллантирилади:

Илмий марказни бошқариш Бош директор томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида Бош директорнинг учта ўринбосари: Бош директорнинг илмий ишлар ва инновация бўйича ўринбосари, Бош директорнинг илмий ишланмаларни тадбиқ этиш бўйича ўринбосари, Бош директорнинг маркетинг ва харидлар бўйича ўринбосари фаолият олиб боради.

Бош директорга бевосита бўйсунадиган таркибий тузилмалар: илмий ишлар бўйича маслаҳатчи, илмий масалалар бўйича директор ёрдамчиси, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўлими, технологик жараёнлар ва пахта-тўқимачилик кластерлари муаммолари бошқармаси, истиқболли режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими, ходимларни бошқариш хизмати, илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими, халқаро иқтисодий алоқалар бўлими, ижро назорати ва мурожаатлар билан ишлар хизмати, патент ва кутубхона хизмати, архиварус ва курерлик хизмати, харбий сафарбарлик, факултетада вазиятлар ва махсус ишлар бўйича бош мутахассис.

Бош директорнинг илмий ишлар ва инновация бўйича ўринбосари пахта хомашёсини тайёрлаш ва янги навлар апробацияси лабораторияси, уруғлик чигит тайёрлаш лабораторияси, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш лабораторияси, стандартлаштириш ва метрология лабораторияси, марказий лаборатория, пахта хом ашёсини қуриштириш, тозалаш, ишлаб чиқаришни чангсизлантириш ва аэродинамика лабораторияси, жинлаш, тола тозалаш, линтерлаш ва пресшлаш лабораторияси фаолиятни мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Бош директорнинг илмий ишланмаларни тадбиқ этиш бўйича ўринбосари малака ошириш маркази, асбоб-ускуналарни лойихалаш, саноат дизайни ва

конструкторлик бўлими, эталон гуруҳи, жамоавий фойдаланиш учун синов ва тадқиқ этиш лабораторияси фаолиятни мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Бош директорнинг маркетинг ва харидлар бўйича ўринбосари ахборот-ресурс маркази, хўжалик бўлими, мехмонхона ва умумий овқатланиш бўлими ва капитал қурилиш бўлими фаолиятни мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Пахта хомашёсини қуритиш, тозалаш ва ишлаб чиқаришни чангсизлантириш, аэродинамика бўлими:

Қуритиш лабораторияси:

- пахтани қуритишнинг хорижий ва илғор технологичларини ўрганиш асосида пахта қуришнинг замонавий, ресурстежамкор, автоматлаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш.

- пахта хомашёсини қуритиш, уни тозалашга тайёрлаш, қуришчиларни иссиқлик билан таъминлаш, ёқилғини ёнишга тайёрлаш ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи қурилмаларни ишлаб чиқиш, янги ва муқобил ёқилғи манбаларидан фойдаланиш масалаларини илмий томондан ечиш.

-пахта хомашёсини ва толани намлаш муаммоларини хал этиш ва намлаш агентини тайёрлаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тозалаш лабораторияси:

- машинада терилган пахтани августда ва йирик ифлосликлардан самарали тозалашни амалга оширувчи машина ишлаб чиқиш

- машинада ва қўлда терилган пахта хомашёсини тозалашнинг рационал техника ва технологияларини илмий-тадқиқотини олиб бориш. Юқори намликдаги ва ифлосликдаги пахталарни тозалашнинг технологияларини ишлаб чиқиш муаммоларини хал этади.

-пахта тайёрлов масканларидаги кичик механизмларни илмий-тадқиқотларини олиб бориш билан ундаги муаммоларни хал этиш.

Чангсизлантириш лабораторияси:

- атроф муҳитни чангсизлантириш мақсадида пахтани қайта ишлаш жараёнида ажралаётган чанг миқдорини камайтириш ва таркибидаги оғир аралашмаларни тутиш ускуналарини яратиш

- пахта тозалаш корхоналаридаги технологик жараёнлардан ажралаётган чангларни камайтириш, чанг туткичларнинг унумдорлигини ошириш ва чангли ҳаводан толали материалларни тозалаш, корхоналарда чангларни камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

-чанг тозалаш ускуналарини ўрганиш ва замонавий самарали ускуналар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш.

Аэродинамика лабораторияси:

-пахта тозалаш корхоналаридаги ускуналарнинг аэродинамик режимларини ўрганиш билан тавсиялар ишлаб чиқиш.

-пахта хомашёсининг пневмотизимларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш.

Жинлаш, толани тозалаш, линтерлаш ва пресслаш лабораторияси:

- тозалаш самарадорлиги юқори бўлган такомиллаштирилган тола тозалаш машинасини ишлаб чиқиш.

- пахта чигитини линтерлашда юқори унумдорликдаги такомиллаштирилган техника ва технологиясини ишлаб чиқиш.

- пахта тозалаш корхоналарида жинлаш, линтерлаш, тола тозалаш ва прессларни ускуналарини такомиллаштириш.

- бугунги кун талабидан келиб чиққан холада, энергия тежовчи, ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлган эҳтиёт қисмлар билан қайта жихозлаш.

Пахта тайёрлаш лабораторияси, янги навларни апробация қилиш:

- Пахта тайёрлаш пунктларида пахта хомашёсини қабул қилиш, тайёрлаш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш;

- жин ва линтер аррали дискларига бўлган, аниқлиги юқори автоматлаштирилган тиш очиш ускунасини ишлаб чиқиш.

- пахта хомашёсини қабул қилиш ва тайёрлаш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш;

- пахта хомашёсининг районлаштирилган ва истиқболли навлари ва ундан олинадиган маҳсулотларнинг сифат, агроиктисодий ва технологик, кўрсаткичларини ўрганиш;

- пахта тозалаш саноатида хом ашё ва материаллар сарфини меъёрлаш усулларини ишлаб чиқиш;

- тавсия етилган стандартларни ишлаб чиқиш: пахта маҳсулотлари ва асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари; сақлаш ва ташишда пахта хомашёси ва чигитнинг табиий йўқолиши; идиш матоларини ишлаб чиқариш ва пахта маҳсулотларини ўраш учун хом ашё ва материалларни истеъмол қилиш; пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов марказларининг ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарур бўлган бошқа материаллар, уларнинг техник талаблари;

- пахта хомашёсидан тола ва уруғлик навларига ўтиш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- пахта хомашёси партияларини назорат қайта ишлашни ўтказиш бўйича тартибий раҳбарлик;

- пахта хомашёси, пахта толаси ва чигитининг физик-механик ва технологик кўрсаткичлари бўйича кенг истиқболлиларини аниқлаш мақсадида пахтанинг янги навларини районлаштирилган (стандарт сифатида олинган) навлар билан солиштирганда ҳар томонлама ўрганиш.

Уруғлик чигит тайёрлаш лабораторияси:

- уруғлик чигит тайёрлаш цехлари учун замонавий тозалаш, саралаш, калибрлаш ва дорилаш машиналарини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш ва ишланмаларни жорий этиш;

- уруғлик чигитни пневмо-механик усулда тозалаш ва саралаш машиналарини такомиллаштириш;

– туксиз ва кам тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологияси ва ушбу технологияда иштирок этувчи машина ва агрегатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

– уруғлик чигитни калибрлаш ва кимёвий препаратлар билан ишлов бериш машиналарини такомиллаштириш ва автоматлаштириш;

– тукли, кам тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашнинг мақбул технологиясини ва уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламентини ишлаб чиқиш;

– пахта-тўқимачилик кластерлари учун уруғлик чигит тайёрлаш бўйича замонавий цехларни лойиҳалаш ва хизмат кўрсатиш;

– уруғлик чигит тайёрлаш цехларига меъёрий техник хужжатлар ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва меҳнат муҳофазаси лабораторияси:

– хорижий ва илғор бошқарув тизимларини ўрганиш ва маҳаллийлаштириш асосида энергиятежамкор автоматлаштирилган инновацион тизимларни ишлаб чиқиш бўйича изланишлар олиб бориш;

– пахта хомашёсини дастлабки ишлашни автоматлаштириш ва бошқариш бўйича муаммоларни ўрганиш ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш;

– технологик жараёнларни автоматлаштириш ва автоматик бошқариш тизимларини ишлаб чиқишда технологик лабораториялар билан биргаликда лойиҳа ишларини олиб бориш;

– лаборатория томонидан ишлаб чиқилган ёнғинни автоматик аниқлаш тизимини такомиллаштириш ва янги тизимни ишлаб чиқиш бўйича доимий изланишлар олиб бориш;

– пахта тозалаш корхоналарининг энергетик ҳолатини ўрганиш ва электр энергияни тежаш бўйича кўрсатмалар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– алоҳида технологик жараёнлар ва ускуналар учун автоматлаштирилган тизимлари ишлаб чиқиб уларнинг макет намуналарини синовдан ўтказиш;

– ишлаб чиқариш жараёнлари учун муқобил хавфсизлик тизимларини ишлаб чиқиш.

Стандартлаштириш ва метрология лабораторияси:

– пахта хомашёси ва пахта маҳсулотлари сифатини текшириш бўйича жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш асосида пахта тозалаш корхоналари ва тайёрлов пунктларида синов ускуналари паркини янгилаш учун ўлчов приборлари ва синов ускуналарини ишлаб чиқиш;

– техникавий топшириқларни ишлаб чиқиш, лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишда муаллифлик назоратини ўрнатиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда муаллифлик назоратини олиб бориш, янги прибор (ускуна)ни синовдан ўтказиш, приборларнинг даражалаш боғлиқлигини ишлаб чиқиш, приборнинг ўлчовлардаги хатолик даражасини аниқлаш, прибор учун техник хужжатларни ишлаб чиқиш (паспорт, ташкилот стандарти, қиёслаш методикани ишлаб

чиқиш, синов ускуналари учун (паспорт, ташкилот стандарти), стандартлаштирилган методиканинг мавжуд эмаслиги – янги қурилмада ўлчовларни амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш, ўлчаш усулиётларини аттестациялаш бўйича тажриба-тадқиқотлар ўтказиш, уни аттестациялаш, ҳамда Ўзбекистон миллий метрология институти (ЎЗММИ)да ўлчовларнинг бажариш услубияти метрологик экспертасини ўтказиш;

- маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни аниқлаш ўлчовлар бирлигини таъминлаш мақсадида пахта маҳсулотларининг (пахта толаси, техник чигит) давлат стандарт намуналарини (бундан кейинчалик - ДСН) ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва аттестатлаш:

- пахта толаси физик-механик хоссалари ДСН (микронейр кўрсаткичи, чизикли зичлиги, пишиб етилганлик коэффиценти) тола сифатини текширувчи қурилмаларни текшириш ва приборларни калибрлаш ва қиёслаш учун қўлланилади;

- пахта толасининг нуқсонлари ва ифлос аралашмаларининг массавий улуши ДСН АХ, ФМ-30, Sherley пахта анализаторлари учун ўтказиш коэффицентларини ўрнатиш ва уларни тўғри ишлашни текшириш учун;

- чигит тукдорлигининг массавий улуши ДСН чигит тукдорлигини ўлчаш приборини калибрлаш ва текшириш учун ва чигит тукдорлиги аниқлаш методикасини аттестатлаш учун қўлланилади;

- халқаро стандартлар, услубий ва бошқа хорижий норматив-техник ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг янги давлат стандартлари ва давлатлараро стандартларини ишлаб чиқиш. Халқаро, минтақавий ва хорижий стандартлар ва илғор жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштириш мақсадида мавжуд стандартларни текшириш ва янгилаш. Пахтани хомашёсини дастлабки қайта ишлаш соҳасида стандартлаштириш бўйича “Пахта” техник қўмитасининг ва Стандартлаштириш бўйича Давлатлараро 292-сонли “Пахта” техник қўмитаси (Ўзбекистон Республикасидаги ягона ДТК) фаолиятини таъминлаш.

Марказий лаборатория

- O'z DSt ISO/IEC 17025:2019 “Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига қўйиладиган умумий талаблар” стандартига мувофиқ Марказий лабораторияни навбатдаги инспекцион текширувга тайёрлаш ва ўтказиш;

- Республикада етиштирилаётган районлаштирилган ва истиқболли пахта навларини ҳудудлар кесимида FSC тизимида пахта толасининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- пахта толаси сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва ҳисоботини юритиш;

- мижозлар билан шартнома асосида FSC тизими ҳамда классёрлик усулида пахта толаси сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича хизмат кўрсатиш.

Технологик жараёнлар ва пахта-тўқимачилик кластерлари муаммолари бўйича иқтисодий таҳлил лабораторияси:

- пахта-тўқимачилик корхоналари тизимидаги пахта тозалаш корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ меъёрий-техник хужжатлар, услубият ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш;

- пахта тозалаш корхоналарининг хўжалик фаолиятларини техник-иқтисодий таҳлил қилиш асосида иш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини пасайтириш ҳамда самарадорлик даражасини ошириш омилларини аниқлаш;

- пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ва уни такомиллаштириш йўллари йўрганиш;

- ишлаб чиқаришга янги, такомиллаштирилган техника ва технологияларни тадбиқ этишда кутилаётган иқтисодий самарадорликни ҳисоб-китоб қилиш.

Жамоавий фойдаланиш учун синов ва тадбиқ этиш лабораторияси:

- пахтани жинлаш, тола ва момиқни тозалаш ва чигитни линтерлаш жараёнларини математик моделлаштириш;

- пахтани жинлаш технологияси ва техникасини такомиллаштириш;

- тола ва момиқ техника ва технологиясини такомиллаштириш;

- чигитни линтерлаш техника ва технологиясини такомиллаштириш;

- қуришиш, тозалаш ва чангсизлантириш, жинлаш, линтерлаш ва тола тозалаш, уруғлик чигит тайёрлаш лабораториялари томонидан ишлаб чиқилган янги ишланмаларни синаш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, натижаларини таҳлил қилиш.

Ахборот-коммуникацион технологиялари ва ахборот-ресурс маркази:

- илғор ахборот-технологияларига асосланган илмий-техник ахборотларни тайёрлаш ҳамда уларни тарғиб қилиш.

- илмий марказ лаборатория ва бўлимларининг илмий техник ахборотлари эҳтиёжларини таъминлаш;

- маҳаллий ва хорижий фан ва техника ютуқларини, пахта тозалаш корхоналарининг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва тарғиб қилишни ташкил этиш;

- илмий тадқиқотлар жараёнлари, шунингдек, саноат тадбирлари, семинарлар, тренинглар, танловларни видео ва фотосуратлари олиш;

- ахборот материаллари, мақолалар, каталоглар, меъёрий-техник ва бошқа хужжатларни тайёрлаш, нашр этиш ва кўпайтиришни таъминлаш;

- илмий марказнинг ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишини таъминлаш, компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришнинг ягона сиёсатини амалга ошириш;

- саноат соҳаси вакиллари билан учрашув, семинарлар, Республика ва халқаро конференцияларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда иштирок этиш,

бошқа бўлимлар иштирокида илмий-техникавий ютуқлар тўғрисида ахборот буклетлари ва бюллетенларини тайёрлаш;

- илмий-техник маълумотларнинг ахборот ва электрон маълумотлар базасини кенгайтириш (шу жумладан Интернет-ресурслар маълумотлар базаси орқали), илмий-техник ишланмаларнинг электрон аналоглари билан кутубхона фондини бойитиш;

- Илмий марказда АРМ ни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- бўлимлар ўртасида алоқа воситаларини янада такомиллаштириш, ходимларнинг АКТ ва ахборот маданияти тўғрисида хабардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- илмий марказда яратилган илмий ишланмаларни оммалаштириш учун видеолар, тақдимотлар, фотоалбомларни тайёрлаш;

- илмий марказ сайтини ишлашини таъминлаш.

Шу жумладан патент хизмати:

– илмий-услубий ва патент тадқиқотларини ўтказишда иштирок этиш;

– чет эл даврий нашрлари, проспектлар, техник ҳужжатлар бўйича зарур таржималарни амалга ошириш, чет эл манбалари бўйича даврий тўпламларни чиқариш;

– патент–лицензия ва ихтиро ишларининг узок муддатли ва жорий режаларини, шунингдек ахборот–техник ишлаб чиқариш ҳужжатлари режаларини ишлаб чиқиш;

– ихтирочилик ва рационализаторлик ижодини ташкил этиш, мавжуд ихтиро техникаси ва технологияси, такомиллаштирилганини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш;

– Ўзбекистон Республикасида ва чет элда ихтироларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ишларни амалга ошириш, муаллифларга уларнинг ҳуқуқларини лойиҳалаш ва ҳимоя қилишда ёрдам бериш, мумкин бўлган кашфиётлар, ихтироларни аниқлаш;

– "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ бўлинмалари билан биргаликда ишлаб чиқаришда ихтиролардан фойдаланишни назорат қилиш;

– ихтиролар ва бошқа илмий–техник ютуқларни патентлаш, уларга лицензияларни сотиш ва сотиб олиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

– илғор ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш билан боғлиқ ишларни бажариш.

Асбоб-ускуналарни лойиҳалаш, саноат дизайни ва конструкторлик бўлими:

- илмий-тадқиқот ишлари учун технологик машиналар, механизация воситалари, асбобларнинг механик қисмлари ва лаборатория жиҳозларининг стендлари ва экспериментал намуналарини лойиҳалаш;

- чизмаларни нусхалаш ва кўпайтириш.

Халқаро иқтисодий алоқалар бўлими:

- хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклиф ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- бевосита саноат ва илмий-техникавий алоқаларни ўрнатиш, бошқа мамлакатларнинг илмий институтлари, компаниялар ва фирмалари билан ҳамкорлик қилиш;
- халқаро ва республика ичидаги форумлар, конференциялар, кўргазмалар ва семинарларда иштирок этиш;
- халқаро ташкилотлар ва хорижий илмий-тадқиқот институтлари, компания ва фирмалар вакиллари билан музокараларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш;
- хорижий ва маҳаллий давлат ташкилотлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, ишлаб чиқариш корхоналари, компания ва фирмалар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш;
- “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ раҳбариятининг хорижий ташрифларини тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш (бошқарув қарорига мувофиқ);
- халқаро ва ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ ходимларининг хорижда илмий мақолалар чоп этишига амалий ёрдам кўрсатиш;
- асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва эҳтиёт қисмлар, илмий нашрлар, стандартлар ва бошқа материалларни сотиб олиш учун хорижий ҳамкорлар топиш ва шартномалар тузишда илмий лабораториялар ва ишлаб чиқариш бўлинмаларига кўмаклашиш. Хорижий ҳамкорлар билан тузилган шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- халқаро пахта маслаҳат кўмитаси ва Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси билан ҳамкорлик қилиш;
- хорижий манбалардан олинган маълумотларни таржима қилиш;
- ташкилот веб-сайтида ахборот материалларини танлаш, таҳрирлаш ва жойлаштиришга кўмаклашиш.

Истиқболли режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими:

Истиқболли режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими Илмий марказнинг ва унинг бўлимларининг истиқболли, йиллик ва жорий ҳажмий прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, уларнинг доимий назорат қилиш, прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши бўйича статистика, юқори турувчи ташкилот ва Илмий марказ раҳбариятига ҳисобот ва ахборотларни тақдим этиш; Илмий марказ фаолиятининг самарадорлигини ошириш омиларини излаш, барча омиларни максимал амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни кўриш, прогнозлашнинг янги шакл ва усулларини ўрганиш ва тадбиқ этиш; рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий таъсирини ошириш, Илмий марказ томонидан ишлаб чиқиладиган илмий-техник маҳсулотни

реализация қилиш, пахта-тўқимачилик кластерларига услубий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш ишларини амалга оширади.

Қимматли қоғозлар, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш масалалари, ҳисобот тузиш ва уни тегишли ташкилотларга ўрнатилган тартибда тақдим этиш билан шуғулланади.

Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобот бўлими:

Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобот бўлими Илмий марказда ҳисобга олиш ва ҳисобот, моддий воситаларнинг тежамли ишлатиш, бир маромда молиялаштиришни таъминлаш ва ҳисобга олиш ва ҳисоботни бухгалтерия ҳисобининг прогрессив шакл ва усуллари асосида ташкил қилиш; пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий воситаларни ҳисобга олишни ташкил қилиш; бухгалтерия ҳисоб рақамларида етишмовчиликлар, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларини ноқонуний сарфлашдан огоҳлантириш чора-тадбирларини ўз вақтида акс эттириш каби масалаларга жавоб беради.

2022 йил 1 декабрь ҳолатига Илмий марказ штат бирлиги бўйича ходимлар сони 86 нафарни ташкил этади. Ҳар бир ходимнинг лавозим мажбуриятлари лавозим йўриқномасида белгиланган. Штат жадвали (1-илова) 86 лавозим бирлигидан иборат.

Ходимларнинг сони ва малака таркиби 2-жадвалда келтирилган. Шу билан бирга Илмий марказда 6 нафар техника фанлари доктори, 10 нафар фалсафа доктори (PhD) ва 6 нафар техника фанлари номзоди фаолият юритади.

Ходимларнинг тоифаси ва сони

Наименование показателей	Руйхатдаги ходимлар сони	Шу жумладан			
		Бошқарув ходимлари	Ишлаб чиқариш ходимлари	Техник ходимлар	Хизмат кўрсатувчи ходимлар
Жами ходимлар	86	18	51	7	10
Шу жумладан маълумоти:					
Олий	74	18	51	2	3
Ўрта махсус	9	–	–	4	5
Ўрта	3	–	–	1	2

Ходимлар тоифаси — хизматчининг меҳнати мазмунининг тавсифлари ва кўрсаткичлари тизими;

Бошқарув ходимлари — бошқарув функцияларини амалга оширувчи, ходимларга раҳбарлик қилувчи, зарур қарорларни ишлаб чиқувчи ва қабул қилувчи, ташкилот фаолиятини режалаштирувчи, назорат қилувчи ва жараёнларни тартибга солувчи, зарур қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар

тайёрловчи ходимлар. Бошқарув ходимлари ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадлар ва вазифаларга эришиши учун зарур ташкилий-техник шартларни, юкланган функциялар ва ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишини таъминлайдилар. Бошқарув ходимлари раҳбарларга ва бошқарув ходимлари мутахассисларига бўлинади;

Ишлаб чиқариш ходимлари — ташкилотнинг асосий маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш, шунингдек ишлаб чиқариш дастурида белгиланган қўшимча маҳсулотлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган ходимлари. Ишлаб чиқариш ходимлари таркибига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашадиган мутахассислар ва ишчилар киради;

Техник ходимлар — функциясига бошқарув ходимлари фаолиятига техник хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни таъминлаш ишларини бажариш (нашр этиш, кўпайтириш ва архив ишларини бажариш, кутубхона иши, хужжатларни етказиб бериш, компьютер техникасига хизмат кўрсатиш, идора, котиблик ишларини ва бошқа ишларни бажариш) кирадиган ходимлар;

Хизмат кўрсатувчи ходимлар — функциясига бинолар ва ҳудудларга техник хизмат ва хўжалик хизмати кўрсатиш, уларни қўриқлаш, бошқарув ходимларига транспорт хизмати кўрсатиш, ташкилотнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларига хизмат кўрсатиш бўйича бошқа ишлар, шу жумладан, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш кирадиган ходимлар. Хизмат кўрсатувчи ходимларга мутахассислар ва ишчилар тоифасига мансуб бўлмаган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ҳам киради.

6. Молиявий-иқтисодий маълумотлар

Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг кўрсатмалари асосида янги илмий ишланма ва инновацион технологияларни яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан илмий фаолиятга оид давлат дастурлари маблағлари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, шу жумладан Марказнинг лаборатория асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш, офис хоналари ва Марказга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилган бино (иншоот)ларнинг ижарасидан келиб тушадиган маблағлар;

Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ ўтказладиган танловлар натижаларига кўра илмий лойиҳаларга ажратиладиган маблағлар;

илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

Марказ муассислигидаги ташкилотларнинг дивидендлари ва бошқа ажратмалари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Марказга ажратиладиган маблағларни қуйидаги харажатларни молиялаштиришга йўналтириш тавсия этилсин:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни, пахтани қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришнинг инновацион ва технологик дастурларини жорий қилиш, илмий-техник фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ва тажриба-экспериментал базасини ривожлантириш учун зарурий асбоб-ускуналарни сотиб олиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, Марказнинг амалдаги метрологик ва лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш базасини сақлаш, ривожлантириш ҳамда улардан фойдаланиш учун зарурий шароитларни таъминлаш;

илмий-техник, шу жумладан хорижий адабиётларни харид қилиш, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш;

ҳар йиллик тасдиқланадиган дастур бўйича пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарида техника ва технологияларнинг энг янги намуналарини тадбиқ этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Марказ ходимлари, шу жумладан, ёш олим ва мутахассисларнинг фаолиятларини рағбатлантириш ва тегишли шароитлар яратиш;

пахтани қайта ишлаш соҳасида халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш;

Марказнинг бино ва иншоотларини, сақлаш ва таъмирлаш;

илмий ходимларнинг чет элдаги кўргазма ва илмий анжуманларда иштирок этиши;

республика ҳамда хорижий давлатларнинг ишлаб чиқариш соҳаси мутахассис ва олимлари иштирокида илмий анжуманлар ташкил қилиш;

халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган миллий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги пахта тозалаш корхоналарининг бош муҳандислари, механиклари, техника ва ёнғин хавфсизлиги муҳандислари, технологлари, 1, 2, 3-зона товаршуносларини жадвал асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда сертификат бериш;

2023 йилга кутилаётган даромад ҳажми:

-пахта-тўқимачилик кластерлари ва бошқа корхоналар билан тузилган хўжалик шартномаларига асосан янги техника ва технологияларни тадбиқ қилиш, соҳавий меъёрлар, йўриқномалар, тавсияномалар ишлаб чиқиш, пахта хомашёсининг ташқи кўриниши эталон намунасини тайёрлаб бериш, пахта толаси намуналарининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, назорат остида қайта ишлаш партияларини ўтказиш, ускуналар ва дастгоҳларни ўрнатиш ва созлашда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда малака ошириш маркази бўйича хизмат кўрсатиш ишлари ҳажми-3 865,5 млн.сўм.

Илмий марказ фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишлари ва пахта-тўқимачилик кластерларини ривожлантиришнинг устувор вазифалари, шунингдек, “Пахтасаноат илмий маркази” АЖга юклатилган пахта хомашёсини тозалаш учун замонавий техника ва технологиялар, энергия ва ресурс тежамкор машина ва асбоб-ускуналарнинг тажриба-саноат намуналарини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ҳамда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган тадбирларга асосан шакллантирилган 2023 йилда бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари ва илмий техник хизматлар кўрсатиш режаси (1-илова), шунингдек, илмий-техник хизматлар бўйича хўжалик шартномалари асосида хизматлар кўрсатиш (2-илова).

Шаклланган бизнес режа ускуналарни, қурилмаларни, алоҳида жараёнлар тизимини ва пахтани хомашёсини дастлабки қайта ишлаш технологик регламентини ҳамда уруғлик чигит тайёрлашни бир вақтда меъёрий-техник ва меъёрий-иқтисодий базасини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришни кўзда тутди.

Илмий-тадқиқот ишлари режасини шакллантириш пахта-тўқимачилик кластерлари таркибидаги пахта тозалаш корхоналаридаги муаммолар асосида илмий-техник ва новаторлик тақлифларни танлаш ва таҳлил қилишга асосланган. Илмий темалар мутахассислар томонидан асосий параметрлар самарадорлигини инобатга олган ҳолда муҳокама қилинган.

Бажариладиган илмий-тадқиқот ишларининг бош вазифаси илмий изланишлар ва экспериментал ишлар, оптимал амалий натижалар, хусусан, пахтани хомашёсини дастлабки қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида қўллаш учун энергия ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва етказиб бериш, шунингдек, ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори, пахта маҳсулотларини чиқиндига чиқиб кетишдаги йўқотишларини камайтириш, хавфсиз иш шароитини ва экология мувозанатни таъминлайдиган ускуналар ишлаб чиқишга қаратилган.

2023 йил илмий-тадқиқот ишлари режасида куйидаги илмий-техник йўналишлар ва илмий-тадқиқот ишлари белгиланган:

- Самарадорлиги юқори бўлган қарама-қарши айланувчи пахтани қуритиш ускунаси ишлаб чиқиш;
- Пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалашда тола шикастланишини олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш;
- Кластерлар таркибидаги пахта тозалаш корхоналарида машинада ва қўлда терилган пахтани қуритиш ва тозалашнинг ресурстежамкор, самарадорлиги юқори бўлган мажмуасини ишлаб чиқиш;
- Ишлаб чиқаришда атроф муҳитга чиқаётган чанг миқдорини камайтириш мақсадида ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш асосида такомиллаштирилган чанг туткич ускунасини ишлаб чиқиш;
- Пахта хомашёсини тозалашда ортикча механик таъсирларни камайтириш ҳамда электр энергияни тежаш мақсадида енгил тозалашда фойдаланиладиган пахта сепаратор-тозалагич конструкциясини такомиллаштириш;

- Ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган такомиллаштирилган линтер ускунасини ишлаб чиқиш;
- Жин ва линтер арра дискларига такомиллаштирилган универсал тиш очиш дастгоҳини ишлаб чиқиш;
- Электр энергия сарфини камайтириш мақсадида жинлаш ускунасига автоном пурковчи винтилятор қўллаш орқали унинг аэродинамик режимини асослаш;
- Пахта тозалаш корхоналарида улюк ва чиқинди таркибидаги толали маҳсулотларни ажратиб олиш ускунасини ишлаб чиқиш;
- Пахта-тўқимачилик класстерларида толали материалларни қадоқлаш учун қуввати 1000 кг/соатгача бўлган ресурстежамкор гидравлик пресси ишлаб чиқиш;
- Узун толали пахтани жинлаш жараёнида тола сифати ва узунлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида валикли жиннинг такомиллаштириш ва конструкцион лойиҳасини тайёрлаш;
- Толани сифатини яхшилаш мақсадида икки барабанли тола тозалагичдаги такомиллаштирилган йўналтиргични ишлаб чиқиш;
- Тола сифатини яхшилаш мақсадида такомиллаштирилган ажратувчи колосникларнинг конструкцион лойиҳасини тайёрлаш;
- Тола тозалагичда электр энергияни тежаш ва тола сифатини яхшилаш мақсадида такомиллаштирилган аррали цилиндр валининг конструкцион лойиҳасини тайёрлаш;
- Линтер ускунасининг энергия ва ресурстежамкорлигини ошириш, чанг ҳавони камайтириш мақсадида ҳаво камерасиз линтер ускунасининг конструкторлик лойиҳасини тайёрлаш;
- Рақамли электрон динамометр асосида толани узилиш кучини аниқлаш асбобини ишлаб чиқиш;
- Технологик лабораториялар томонидан ишлаб чиқиладиган қурилмаларнинг локал автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқиш;
- Автоматлаштирилган кам тукли уруғлик чигит тайёрлаш ва дорилаш машинаси ишлаб чиқиш ва мақбул ўлчамларини асослаш;
- Замонавий уруғлик етиштиришга ихтисослаштирилган элита уруғчилик хўжалиги фаолиятини йўлга қўйиш;
- Пахта қабул қилиш жараёнида транспорт воситаларида олиб келинадиган пахта хомашёси намлигини тезкор усулда аниқлаш учун замонавий лаборатория қурилмаси лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- Пахта тайёрлаш, сақлаш ҳамда юклашда транспорт ва иш ҳақи харажатларини камайтириш мақсадида пахта тайёрлаш масканларида механизация ишларини оптималлаштириш;
- Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан сифатли маҳсулот олиш учун пахта толасининг халқаро стандартлари билан уйғунлашган янги давлат стандартларини ишлаб чиқиш;
- Чигит тукдорлигини тезкор аниқлайдиган ўлчаш асбобини янги авлодини ишлаб чиқиш;

- Пахта толасининг халқаро микронейр кўрсаткичини ва давлатлараро сифат кўрсаткичларини ўлчаш асбобини автоматлаштирилган янги авлодини ишлаб чиқиш.

Ушбу илмий-тадқиқот ишлари бўйича қуйидаги меъёрий техник хужжатлар тузилади ва асосланади:

- ишлатиладиган хомашё ва материаллар бўйича илмий-техник хужжатларни, шунингдек, пахта тозалаш корхоналарида хомашё ва материалларни тавсиявий меъёрлари методикаси, пахтани қабул қилиш ва сақлаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш;

- янги ва районлаштирилган пахтанинг селекция навларига пахта маҳсулотлари чиқиши ва асосий ишлаб чиқариш куюндилари миқдори меъёрларини ишлаб чиқиш;

- намлик ва ифлослик даражаси меъёрдан юқори бўлган пахтани қуритиш ва тозалаш цехларида ишлов берилганлиги учун табақалаштирилган тўлов тарифлари бўйича тавсиянома ишлаб чиқиш.

Пахта толаси бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларини қайта кўриб чиқиш, пахта толасининг пишиб етилганлик ва солиштирма узилиш кучини аниқлаш усулларини халқаро стандартларни қабул қилиш учун таҳлил асосида тегишли янги стандартлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, пахта тозалаш корхоналари ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича техник-технологик йўналишдаги ишлар, худудий семинарлар, шунингдек, халқаро ва республика ярмаркалари учун қўлланма ва ахборот материалларини тайёрлаш, пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш масканлари учун пахта хомашёси ташқи кўриниши эталон намуналарини тайёрлаш, шунингдек, икки йўналишда ишлаб чиқилган курсларда (пахта хомашёсини қайта ишлаш техника ва технологиясининг янги илмий ва амалий ютуқлари, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси ҳамда иқтисодий, сертификатлаштириш асослари, пахта толаси классификацияси ва маркетинг) пахта тозалаш корхоналари ишчи-ходимларини малакасини ошириш режалаштирилган.

7. Молиявий ҳолат.

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖда бажариладиган ишларни молиялаштириш қуйидагилар манбалар ҳисобига амалга оширилади:

- пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан тузилган шартномаларга асосан тушадиган маблағлар;

- Ҳукумат қарорига асосан Инновацион ривожланиш вазирлигидан олинадиган маблағлар.

2023 йил режаси бўйича даромадлар қуйидагича;

- Реализациядан тушадиган соф тушум - 3 865,5 млн. сўм;

- Асосий фаолиятдаги бошқа даромадлар - 1000,0 млн. сўм;

- Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар - 10,0 млн. сўм;

Ҳукумат қарорига асосан Инновацион ривожланиш вазирлигидан олинадиган маблағ – 10,0 млрд. сўм.

Жами бўлиб - 14 875,5 млн. сўм даромад олиними режалаштирилган.

2023 йил учун режалаштирилган харажатлар рўйхати 1-жадвалда келтирилган ва 14 619,4 млн. сўмни ташкил қилади.

Агар йил давомида харажатлар қиймати ўзгарса реализациядан тушадиган соф фойда кўрсаткичи ўзгариши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг асосий молиявий кўрсаткичи соф фойда ҳисобланади. Жамиятда 2023 йил якуни бўйича фойда солиғини тўлагунга қадар фойда 256 149 минг сўм, солиқлар тўлангандан сўнг соф фойда 217 727 минг сўм олиними режалаштирилган (2-жадвал). Бу кўрсаткич илмий марказнинг молиявий иқтисодий ва ишлаб чиқариш шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин.

Бош директор

Т.М.Кулиев

"Пахтасаноат илмий Маркази" АЖ

Кузатув кенгаши йиғилишида

"МАҚУЛЛАНГАН"

202__ йил "____" _____даги

"____"-сонли баёни

"ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ"

Акциядорлик жамияти

2023 йилга

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Тошкент 2023 йил

Бош директорнинг илмий ишлар
ва инновация бўйича биринчи
ўринбосари

Қ.Жуманиязов

Бош директорнинг илмий
ишланмаларни табдиқ этиш
бўйича ўринбосари

И.Кулматов

Бош директорнинг маркетинг
ва харидлар бўйича ўринбосари

И.Шодиқулов

Илмий тадқиқотларни
мувофиқлаштириш бўлими

М.Мўминов

Бош бухгалтер

И.Джулиев

Истикболли режалаштириш ва
акциядорлар билан корпоратив
муносабатлар бўлими бошлиғи

Б.Халиков

Ходимларни бошқариш хизмати

Н.Норпулатова